

НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ

№66
(19998)
2023 йил
23 август
чоршанба

1918 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Бугунги кунда мамлакатимиз ўзининг муҳим стратегик ҳамкорлари, шу жумладан Корея Республикаси билан ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Икки томонлама ҳамкорликнинг янада ривож топаётганининг биргина исботи, Наманган вилояти ҳамда Жанубий Кореянинг ҳудудлари билан ҳозирга қадар 20дан ортиқ делегациялар алмашинуви бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий, инвестиция, туризм, электроника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 10дан зиёд соҳалар бўйича кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.



НАМАНГАН ВА КЁНГСАН Ҳамкорлик мустаҳкамланади

Оқилхон **ДАДАБОВЕВ**.

Кореянинг Кёнсанг шаҳри мэри ўринбосари Ли Канг Хак бошчилигидаги делегациянинг вилоятимизга уч кунлик ташрифи икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига катта йўл очди.

Икки шаҳар раҳбарлари ўртасидаги расмий учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари Акрамжон Абдуҳамидов, Наманган шаҳар ҳокими Гофуржон Жамолжон жорий йилнинг июнь ойида ўзбек делегациясининг Кореяга ташрифи ўзаро ҳамкорлик борасида кўпгина амалий мулоқот ва келишувларга имкон яратганлигини таъкидлади. Наманган ва Кёнсанг шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган «Биродар шаҳарлар» келишувини имзолашдан манфаатдорлик билдирилди.

Қайд этилганидек, вилоятимизда Корея Республикаси билан ҳамкорликда умумий қиймати 23 миллион долларга тенг 12 та йирик истиқболли инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозирда, вилоятда 25 дан ортиқ қўшма корхона барқарор ишлаб турибди. Бунинг самараси ўлароқ икки томонлама умумий савдо айланмаси 2022 йилда 12 миллион долларни таш-

кил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 20 миллион доллардан ошди. Ўтиборлиси, Наманган шаҳрида Кореянинг дунёга машҳур «Ёджу» техника институтининг филиали ташкил қилинди.

Кёнсан шаҳри саноати машина деталлари, қурилиш, рақамли технологияларга ихтисослашган бўлиб, бу борада юқори натижалар қайд этилмоқда. Шу маънода, таълим, ахборот коммуникация технологиялари, савдо-саноат соҳалари вакилларида иборат делегация «Ишга марҳамат – мономаркази»да, вилоят марказидаги собиқ касб-хўна қолдир биноси базасида бунёд этилган «IT Park» ҳамда «IT School» ўқув маркази билан ҳам танишди.

И л м и - т е х н и к а в и й ҳамкорликни ривожлантириш бўйича корейлик дастурчилар ва соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда янги «IT School» фаолиятини бошлагани меҳмонлар этиборини тортди.

Давлатобод туманидаги «Янги Ўзбекистон – ёшлар зиё маскани» ахборот-кутубхона марказида Кёнсан делегацияси ва вилоятдаги ахборот технологиялари ҳамжамияти вакиллари ўртасидаги учрашув ҳам қизгин рўхта кечди.

«IT Park» резидентлари ҳамда ҳудуддаги дастурчи-фрилансерлар иштиракидаги учрашув аввалида уюштирилган кўргазмада бир қатор тадбиркорлик субъектлари, бизнес, тиббиёт, компаниялар бошқаруви, таълим ва кўлаб соҳаларда ўзларининг замонавий ечимларни таклиф қилувчи дастурий маҳсулотларини намойиш этишди.

Айни кунларда вилоятда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида 566 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 147 таси дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида вилоят бўйича кўрсатилган алоқа ва ахборотлантириш хизматлари ҳажми 444,7 миллиард сўм, компьютер дастурлаш хизматлари ички айланмаси 16,9 миллиард сўмни ташкил этди. 2023 йил якуни билан резидентлар сонини 40 тага, соҳада ўзини ўзи банд қилганлар сонини 4300 нафар ҳамда экспорт ҳажминини 1,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Корейлик меҳмонлар ташриф давомида бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, диққатга сазовор масканлар, тарихий қадимжолар, жумладан, Ахсикент археологика мероси объекти ва Ахси саййидлари мажмуасида бўлди.

ИҚТИСОДИЁТ

Саноатлашаётган Мингбулоқ

Муҳиддин **МАҒЗУМОВ**,
«Наманган ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Бир пайтлар Мингбулоқ туманини «чўқувлар маскани» ва пахта етиштиришда вилоят бўйича салмоқининг ортиқлиги боис «катта карвон» деган номлар билан таърифланарди. Мазкур туман асосан аграр соҳага ихтисослашган эди. Кейинги йилларда ҳудудда қишлоқ ҳўжалиги қаторида саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш каби тармоқлар ҳам жадал ривожлантирилмоқда.

Туман инвестициялар, саноат ва савдо бўлимидан бизга маълум қилишларича, 2023-2024 йилларда ҳудудий инвестициялар дастурига асосан умумий қиймати 366,3 миллиард сўмлик 53 та лойиҳа манзилли рўйхати шакллантирилган бўлиб, шулар ҳисобига 1198 нафар киши доимий ишли бўлади. Бу саноатда - 11 та лойиҳа, қиймати 185,5 миллиард сўм, 695 та иш

ўрни; хизмат кўрсатишда - 33 та лойиҳа, қиймати 92,2 миллиард сўм, 388 та иш ўрни ва қишлоқ ҳўжалигида - 9 та лойиҳа, қиймати 88,6 миллиард сўм, 115 та иш ўрни демекдир.

2023 йилнинг январь-июль ойлари мобайнида ҳар учта соҳа қамраб олингани ҳолда 53 миллиард 47 миллион сўмлик 24 та лойиҳа ишга туширилди ва 177 киши иш билан таъминланди. Ил охиригача яна 233,8 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 790 та иш ўрни яратилади.

Вилоятимизда мева-сабзавотлар қаторида саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажми ортиб бормоқда. Туманда бу борада 2023 йилда 15 миллион 618 минг долларлик экспорт амалиётидаги саноатнинг улуши - 8 миллион 911 минг доллар ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари эса - 6 миллион 707 минг долларга тенг. Август ойи ҳолатига жами 9 миллион 797 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

ДЕФОЛИАЦИЯ – ҲОСИДДОРЛИК ОМИЛИ

Косонсой туманидаги «Бобомурод ҳосили» фермер ҳўжалигида 2023 йил пахта ҳосили учун парваришланаётган гуза майдонларида дефолиация тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича кўргазмали семинар ташкил этилди.

Унда туман ҳокими Д. Қодиров, вилоят ўсимликлар карантини ва химияси бошқармаси бошлиғи А. Гаффаров, ММТП раислари ҳамда фермер ҳўжалиги раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда пахта майдонларида дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, ҳозирда техника воситаларининг қарийб барчасига техника хизмат кўрсатилиб, мавсумга шай ҳолга келтирилгани таъкидланди.

Пахтанинг соғломлиги, ҳосилининг чўғи бор-йўқлигини далага шундай қараб билса бўлади, – дейди Алижон Жўраев. Бунинг учун фақат ҳар бир кўнни ганимат билиш, ишга оқилона ва масъулият билан ёндошиш, асло хотиржамликка берилмаслик зарур.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.



Ўз мухбиримиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик байрами олдида «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» бош ғояси асосида бутун мамлакатимиз бўйлаб байрамона тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шу жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Дилшод Ўсмонов иштирокида вилоятимизда бир қатор ижтимоий ва хайрия тадбирлари ўтказилди.

Норин туманидаги 2 минг 576 аҳоли истиқомат қилаётган Ровот маҳалласи учун бюджет маблағлари ҳисобидан қуриб битказилган йннин идораси биноси тантанали равишда қайдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросим чинакамга байрам тўсини олди.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этилган янги бино хоналари ўзини ўзи бошқариш органи ҳодимларига қўлайликлар ҳозирлаш мақсадида «Маҳалла» фонди томонидан мебеллар билан жиҳозлаб берилди. Айтиш жоиз, идорига қўшимча айвон ва бошқа зарурий хоналар ҳам қурилган.

Шу куннинг ўзида мазкур гўшада истиқлол айёмига тайёргарлик қўриш, ҳудудларни кўркем қиёфага келтириш ва кўламазорлаштириш мақсадида «Маҳалладан хонадонгача» тамойили асосида ободонлаштириш ишлари ташкилланди.

Қолаверса, Ровот кўчасида истиқомат қилиб келаётган, Чернобыль фожиасининг бартараф этишга ҳисса қўшган, тез-тез даволаниши сабабли оиласида молиявий муаммоларга дуч келган Ҳасан Мамажонов оиласи йўқланди. Бу хонадонга маиший техника, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш тизимида алоҳида этибор қаратилмоқда. Мустақиллик байрами муносабати билан фонд томонидан вилоятдаги 50 нафар МФИ ҳодимига ўз фаолиятларида фойдаланиши учун мебел жиҳозлари ва компьютер воситалари

топширилгани бунинг ёрқин далидир.

Бу ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил февраль ойида Наманганга ташрифи чоғида белгилаб берилган «Маҳалла раиси – ислохотчи» тамойилини тўлақонли амалга ошириш, аҳоли билан ишлаш кўнликмаларига эга бўлишларига яқиндан қўмакчи сифатида хизмат қилади.

Байрам тадбирлари Тўрақўрғон туманида ҳам давом эттирилди. 3 минг 384 аҳолига эга бўлган Сарой маҳалласи учун 615 миллион сўм маблағ эвазига янги бино қуриб битказилди. Унда маҳалла ҳодимларига етарли шарт-шароитлар мўҳайё этилган. Тўғта тўёна сифатида МФИ учун «Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобидан мебеллар жамланмаси ва компьютер билан жиҳозланди.

Истиқлол шукрхонининг ҳар бир хонадонга кириб бориши фонд раҳбари этиборидан четда қолмади. Мазкур маҳалланинг «Зиёратхон» кўчасида яшовчи Дурдона Орипованинг бошига оғир мустибат тушди. Унинг турмуш ўртоғи कोरोновирус пандемияси сабабли вафот этди. Шундан сўнг уч нафар вояга етмаган болага ҳам ота, ҳам она сифатида бошини силаб, биродар кам қилмай тарбия қилиб келмоқда. Маҳалла аҳли ташаббуси билан Дурдонанинг оиласи учун қурилиш ишларидан хабар топган «Маҳалла» фонди мазкур хонадонга ўз ҳисобидан қурилиш ашёлари олиб берди.

Мустақилликнинг 32 йиллиги байрами муносабати билан қизгин тарзда ўтаётган «Ободонлаштириш ойлоти» доирасида маҳалалар ободонлаш-ётадиганини, ҳар бир хонадонга фойз қираётганига гўвоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, озодагарчилик ва саранжом-сарипчилик бор жойга барақа ёйилади.

Шу нуқтага назардан ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси жойларда хайрия ишларини янада жонлантириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ИЗҲОР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги байрами нафаси кезиб юрган шу кунларда бизнинг оиламизда, шахсан меннинг ҳаётимда жуда катта ютуқ, унутилмас воқеа бўлди. Мен тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Андижон Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим! Неча йиллардан буён қилаётган орзумга эришдим!

Талабалик бахтига муяссар бўлишимда, аввало чуқур билим олишимга шарт-шароит яратиб берган ота-онамга, бобожоним ва бувижонимга, Янгиқўрғон туманидаги 10-умумтаълим мактабининг фидойи устозларим – мактаб директори Иқболхон Махкамова,

Устозларимга таъзим

Илёсхон **АНАСБЕКОВ**,
Андижон Давлат тиббиёт институти 1-курс талабаси.

синф раҳбарим Гулбахор Хўжаева, фан ўқитувчиларим Шоҳида Аҳмедова, Муътабар Носирова, Замира Юнусова, Қумушхон Исоқоваларга чин юракдан миннатдорлик билдириб, уларга таъзим қиламан. Бу ақил инсонларимни имтиҳон топшириганимдан боплаб натижаси чиққунга қадар мендан ҳам кўпроқ ҳаяжонга тушганларини, телефонларини ўчирмай интиқий хушхабар кутганиларини сезиб, ҳис этиб турдим.

Ва ниҳоят хавотирланган қалбимни

қувончларга тўлдирган хабар келди: талабалikka қабул қилиндим! Мактабдан олган «олтин медал»ни оқладим. Бу – Сизларнинг менга ўргатган билимларингиз, машаққатларингизнинг чиройли меваси, азиз устозларим!

Ҳудо хоҳласа, биринчи қадам қўйилди. Келгусида катта-кичик синовлардан муваффақият билан ўтиб, эл дардида малҳам бўладиган, эл севган энг ҳалол шифокорлардан бири бўламан, деб сўз бераман.

РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ

Маъмурий жавобгарлик кучайтирилди

Комилжон **УМАРОВ**,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

2023 йил 3 июлда «Рақобат тўғрисида»ги (янги тахрирдаги) қонун қабул қилинди ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга қиради. 9 та боб ва 49 та моддадан иборат ушбу қонунни ишлаб чиқишда масъуа идоралардан кўплаб эксперт ва мутахассислар иштирок этган. Яъни, ҳалқаро молия институтлари экспертларининг жами 38 та тавсияси инобатда олинди (шу жумладан Жаҳон банкининг 26 та, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг 11 та ва Осиё тараққиёт банкнинг 1 та тавсияси).

Янги Қонун билан амалда бўлган «Рақобат тўғрисида»ги (2012 йил) ва «Табиий монополиялар тўғрисида»ги (1999 йил) қонунлар бирлаштирилиб, рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белиланди. Шунга мувофиқ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органи (монополияга қарши орган) ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат товар ёки молия бозорларида рақобатнинг чекланишга, шунингдек, рақобат ёки табиий монополия шартлоғларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни назорат қилишнинг амалга ошириш ҳамда уларга чек қўйиш билан боғлиқ бўлган рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Монополияга қарши қўмитаси фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши ҳатарларини аниқлаш ва маъзур ҳатарларнинг оддий олиш бўйича ички таш-

қилий тартиб-таомиллар тизимидан иборат. Монополияга қарши қўмитаси мажбурий тартибда:

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда;
- товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда;
- охириги 3 йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумнинг ўртача йиллик миқдори БХМнинг 100 минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фонднинг (устав капиталнинг) 50 фоизи ва ундан ортини давлатга тегишли бўлган юридик шахсларда;
- охириги 3 йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумнинг ўртача йиллик миқдори БХМнинг 100 минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фонднинг (устав капиталнинг) 50 фоизи ва ундан ортини устав фонддаги давлат улуши 50 фоизи ва ундан ортини ташкил этадиган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларда;
- юридик шахсларнинг бирлашмаларида жорий этилади.

Қонунда устун мавқени белгилашнинг янги мезонлари киритилди ва табиий монополия субъектлари ҳам устун мавқега эга субъектлар қаторига қўшилди.

Давлат хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, грантлар, давлат кафолатлари, имтиёзли кредитлар, эксклюзив ҳуқуқлар, давлат мулкнинг имтиёзли нархларда сотиш ва ижарага бериш, ер ресурсларидан ва ероти бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини имтиёзли шартлар асосида беради. Бошқа преференциялар ва афзалликлар тарзида давлат ёрдами-ни бериши мумкин.

Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари қу-

чайтирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киртилган ўзгартiriшга кўра:

Рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органига ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд унга била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этганлик:

- фуқароларга БХМнинг 3 бараваридан 10 бараваригача (90 минг сўмдан 3 млн. 300 минг сўмгача);
- мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан 20 бараваригача (3 млн. 300 минг сўмдан 6 млн. 600 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Илгари: фуқароларга БХМнинг 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 5 бараваригача жарима қўлланилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахси томонидан хомашё, товарлар эркин ҳаракатланишини ва реализация қилинишини ҳамда хизматлар кўрсатилишини қонунга хилоф равишда чеклаш:

- БХМнинг 30 бараваридан 50 бараваригача (9 млн. 900 минг сўмдан 16 млн. 500 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга ошириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қилиш ваколатлари ёки рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ваколатлари берилган давлат унитар корхоналари, муассасалари ёхуд юридик шахсларнинг бирлашмалари томонидан рақобатни чеклайдиган қарорлар қабул қилиш:

- БХМнинг 30 бараваридан 50 бараваригача (9 млн. 900 минг сўмдан 16 млн. 500 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Мухаммадхон **АКРАМОВ**,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Косонсойлик фахрийлар фаол тадбиркор Ахмадхон акани шундай олқишлашмоқда.

Дунёқараш, феъл-атвори самимийлик, беғаразлик, эзуликка хайрихоҳлик фазилатлари билан шаклланган инсон ҳаётга, касб-корига муҳаббат ва фидойилик билан ёндошади. Замондошимиз Ахмадхон Эшонхўжаевни ана шундай инсонлардан бири сифатида эътироф этсак, асло муболага қилмаган бўламиз.

Куни кеча муборак етмиш ёшга қадам қўйган Ахмадхон ака ҳаётида қувончи воқеа рўй берди. Мамлакатимиз Президентининг тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа ходимларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига асосан у «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Оддий ва камтарин оилада камол тошган Ахмадхон акага меҳнатсеварлик падали бузруквори раҳматли Маматхон отадан, оналари Аммаҳон аядан ўтган бўлса не ажаб.

Меҳнат фаолиятини 17 ёшида оддий ишчилдан бошлаган қаҳрамонимиз «Косонсой» жамоа хўжалигида, Тошкент самолётсозлик заводида, қўрилиш техникумида ва Тошкент политехника институтида ҳаёт мактабини ўтади. Моҳир мутахассис, раҳбар

сифатида элга танилди.

У ҳамиша оддинги сафларда юришга интиди. Замонавий билимларни пухта эгаллаш мақсадида Тошкент бизнес университети ва бир қатор малака ошириш курсларида ўқиб, малака оширди.

Фаолияти давомида кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларни кунт билан ўзлаштирдик, бу туман тадбиркорлар уюшмаси, вилоят тадбиркорлар палатаси ҳамда агросаноат ва хусусий тадбиркорлар ассоциациясига раҳбарлик қилганида аиникса, асқотди.

Ахмадхон ака пенсияга чиққунга қадар ҳам бўш вақтини шахсий томарқасида ўтказишга интиларди. Ховлисидидаги чочроқкина экин ерида етилган ангиру ўрик ҳамиша атрофдагилар ҳавасини келтирган.

Томорқадан унумли фойдаланиш билан бир қаторда, бўш, ташландик ерда 16 сотихли оилавий иссиқхона ташкил этганмиз, - дейди А. Эшонхўжаев. - Унда лимон парваришлаймиз. Лимон ҳосили етилгунча қўчатлар қатор орасида сабзавотлар етиштириб, мўмай даромад олдик...

Деҳқончиликнинг ҳадисини олган Ахмадхон аканинг марокли суҳбатидан баҳраманд бўлиб томорқани ораларкан-

миз, етилиб турган битта ошқовокни тортиб кўрдик, қарийб 30 кило тош босди.

Ҳозир Косонсойнинг Боғишамол маҳалласида етиштирилган лимон ва апельсинлар Россия, Украина, Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Лимонариймиздан йилга 5-6 тонна ҳосил оламиз. Бир туپ қўчат 20-25 кило ҳосил беради. Лимон асосан қишда пишадди. Уни махсус усулда августгача совиттич омборда сақлаймиз. Қишдагига қараганда ёзда лимонга эҳтиёж катта. Тажрибамизни маҳалладошларга ҳам ўргатаймиз. Ниятим ҳовлимизда қўшимча иссиқхона барпо этиб, «Қўчат паваришмаш ва пайвандлаш мактаби»ни очиб, ёшларни иш билан банд қилиб, уларга даромад топиш йўларини ўргатиш, - дейди у.

Ахмадхон ҳожи Мингбулоқ туманининг Терак қишлоғида ҳам бир тектарлик иссиқхона ташкил этган. Унда минг туздан зиёд лимон қўчатлари парваришланмоқда.

Ер билан тиллашиб, боғдорчилик ва деҳқончиликдан файзу баракот топаётган асл тадбиркор Ахмадхон Эшонхўжаев кўксини безаган «Дўстлик» ордени маҳалладошу ҳамкишлоқларига ҳам юксак иштиёқ бағишлаггани янада қувончли.

СЕМИНАР

Миллий қадрият ва анъаналаримиз

уни тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Фотимахон **ТОШМАТОВА**.

Республика Маънавият ва маърифат маркази фаоллари ва бир гуруҳ маърифат тарғибчилари томонидан Ўзбекистон халқига Мурожаат йўланган эди. Унда халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, давлатимиз томонидан маънавий қадрият ва анъаналаримизга берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш ҳақида сўз юритилган. Жойларда ушбу Мурожаатни халқимизга етказиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими билан ҳамкорлигидаги ўқув семи-



нар ана шунга бағишланди. «Миллий қадрият ва анъаналаримизни ОАВда кенг тарғиб этиш» мавзусидаги ушбу семинарда вилоятимизда фаолият юритаётган шахар ва туман ҳокимликлари ахборот хизматлари раҳбарлари, корхона, ташкилотларнинг матбуот котиблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинарнинг вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Алибек Эргашев очди ва олиб борди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мухомон Аппақов, бўлим етакчиси Собитхон Мелибоевлар Мурожаатноманинг асл моҳияти, бутунги кунда миллий қадриятларимизнинг кучи, халқимиз онги ва қалбига ёт ғояларни синдиришга бўлаётган кураш ҳақида сўзлаб, ёшларга миллий ғоя асосида таълим-тарбия бериш ва бунда ОАВларнинг кучидан фойдаланиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Саноатлашаётган Мингбулоқ

1 Иқтисодий ривожланишнинг сармоя жалб қилиниши тасаввур этиш мумкин. Шу нуқтага назардан бу йил туманда 55,6 миллион доллар (30,4 миллион доллар хорижий) инвестиция дастури тасдиқланган. Масалан: «Наманган Момиқ Сочиклари» МЧЖ (пахтани қайта ишлаш, ёғ ишлаб чиқариш, доinni қайта ишлаш ва совун ишлаб чиқариш) лойиҳасига йўналтирилган 40 миллион долларнинг тенг ярми хорижий инвесторлар хиссасига тўғри келади. «Art Soft Holding» МЧЖ (тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш) лойиҳасидаги 7,4 миллион долларнинг 5,4 миллионини хорижликлар сармоясига ташкил қилади. Ва яна «Art Soft Livestock» МЧЖ (чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш) ишлари-га йўналтирилган 8,2 миллион долларнинг 5 миллионига чет эллик сармоядорнинг хиссасидир.

2023 йил 1-ярим йиллик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаси 11 миллион доллар белгиланган бўлиб, олти ойлик якуни билан бу режа «Art Soft Holding» МЧЖ томонидан 112,7 фоизга бажарилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини оширишда кичик саноат зоналарининг аҳамияти катта. Ёшлик МФИда 1,5 гектар

майдонда ташкил этилган «Ёшлар кичик саноат зона»сида қиймати 7 миллиард 250 миллион сўмлик 9 та лойиҳа (196 нафар иш ўрни) татбиқ этилиши кўзда тутилган. Айни пайтда 4 та (2,6 миллиард сўмлик) лойиҳа ишга туширилиши натижасида 47 нафар киши ишли бўлди. Бошқа лойиҳалар доирасида қўрилиш ишлари давом этмоқда.

Тепирмонбоши МФИ ҳудудида яшиқчиликка ихтисослашган кичик саноат зонасини ташкил этиш бўйича 10 гектарда 28,7 миллиард сўм қийматдаги 82 та лойиҳа (945 та иш ўрни) шакллантирилди.

Меҳнатобод МФИ ҳудудида «Art soft holding» МЧЖ жойлашган манзилни кичик саноат зонасига айлантириш эъзига 5 та инвестициявий лойиҳа белгиланди. 213 миллиард сўм йўналтириладиган маъзур дастур амалга ошгач, 750 нафар киши иш билан таъминланади.

Умуман, туманда 2022 йилда жами 758,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 125,4 фоиз ўсишга эришилган бўлса, 2023 йилда 838,9 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ўтган йилга нисбатан 107,3 фоизга етказилади. 2023 йил иккинчи чоракда амалий натижа 429,4 миллиард сўмни ташкил этди ва режа 115 фоизга бажарилган.

Аҳолини рўйхатта олишнинг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогнозлаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва ҳолис ахборотларни олиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатта олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар

Рўйхатта олиш самараси

Н. **НАЖМИДДИНОВ**,
вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, оила-ларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида, аҳоли тарқибидида, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойда-

ланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ва дас-турларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатта олиш даври оралиғидаги аҳоли сонини ва тарқибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Профилактик тадбирлар давом этмоқда

Хайрулло **МАВЛАНОВ**,
Уйчи тумани фавқулдда вазиятлар бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.

Куз-қиш мавсуми яқинлашиши билан об-ҳаво ҳароратининг пасайиши кузатилади. Албатта, бундай вақтда аҳолининг электр ва бошқа турли хилдаги иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ортади.

Мавсумни беталофат ўтказиш мақсадида, Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан дахлдор ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда кучайтирилган тартибда профилак-

тик тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбир доирасида ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш объектлари, аҳоли хонадоналари ва бошқа тармоқларда ишчи-хизматчи ҳамда аҳоли билан нозос ёки қўлобола усулда ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш оқибатида ённлар содир бўлиши, бирламчи ёнтин учирлиш воситаларидан фойдаланиш тартиби бўйича тушунарлар берилиб, эслатма ва буклетлар тарқатилмоқда.

● Тафаккур

Вақт бизнинг энг арзон ва шу билан бирга энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз.

Нодир Наманганнома

(ёхуд ўзига хос Рустамона маънавият бўстони)

Содиқ **САЙХУН**,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Турон ФА академиги, «Шухрат» медали соҳиби.

Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари – «Олтин Юлдуз» соҳиблари сафида Солижон Адашев, Михаил Акимов, Михаил Ахмедов, Файзулла Йўлдошев, Набижон Минпбоев, Абдусаттор Рахимов, Мамашариф Фаёзов, Александр Гладков, Юрий Должаковский, Владимир Кулешов, Лутфулла Сибатагуллин, Борис Ивановский, Григорий Ефименко каби Наманган ўлонларининг борлигидан ифтихор туйлишга ҳақлигимиз. Ҳозиргача уларнинг 5 нафари тўғрисида билардик, ҳоло. Энди энциклопедия орқали уруш қаҳрамонлари 13 нафар эканидан воқиф бўлаётганимиз муаллифнинг изланишлари бесамар кетмаганидан дарак беради.

Хар бир даврнинг кўзга кўринган давлат арбоблари бўлади. Хар доим эл манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйганлар. Бундай тапшиқловчи ва таънабўсқор инсонлар ҳамisha эслашга муносибдир. Қомусдаги Наманган вилояти раҳбарлик қилган Турсун Қамбаров (1945–1946), Ориф Алимов (1946–1948), Нуриддин Муҳиддинов (1948–1950), Асадулла Хўжаев (1967–1973), Мирзаолим Иброҳимов (1973–1976), Махкам Қамолов (1976–1984), Назир Ражабов (1984–1987), Бўри Алламуродов (1987–1990), охирти биринчи котиб Ботирали Ҳакимовнинг (1940) суратларига бокиб, таржimai ҳоллари билан танишиб, элга бахшиде умр абадийликка қафолат бўлишини яна бир марта теран ҳис қилдик.

Умуман айтганда, вилоятимиз аҳлига хос меҳмоннавозлик, каттаю-кичик раҳбару раҳнамо атрофига жипслашши, бири-бирининг ютугидан қувониш, бири-бирига меҳру мурувватини аямаслик ҳислатлари хар соҳада доврқўдор инсонлар қамолотига ҳамisha бардамовлик багшишлаб турган. Энциклопедияга киритилган қўқонлик ижодкорлар Муҳаммад Шариф Гулханий, Ҳамза Ҳакимзода

Нийезий, каттакўрғонлик шоир Мамарасул Бобоев, андижонлик академик Абдулла Аъзамов, газалинавис Ҳайитбой Азимов, бухоролик Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова, маргилонлик журналист Улмас Алиевлар Ўзбекистонга таниқли инсонлар бўлиб, вилоятимиз учун салмоқли хизмат қилишганди. Ҳатто хориждан келиб, Наманганнинг нон-тузини бир неча йил топпан, ўзининг билими ва иқтидорини ҳамюртларимиз билан сидқидил баҳам кўрган машҳур мутахассислар ҳам назардан четда қолдирилмагани янада маъқулу манзур. Улардан россиялик файласуф-профессор Алексей Цой, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Фадеев, афғонистонлик бўлиб кетган муҳожир ижодкор Саид Акмал Парвона, украиналик Ўзбекистон халқ артисти Розалинда Лаут, белоруссиялик Тамара Головей, венгриялик Уйфальви де Мезо Ковенци, татаристонлик халқ рассоми Зуфар Гиймаевларни эслаб, рўйхатни яна давом эттирaverишшимиз мумкин. Бу каби донни дунёга кетган кишилар ҳам «Ғазна Намангон»нинг «олтин бисот»ини тўлдиргани фақат олқишларга арзирли ҳодисадир. Яқин тарихимизни безаганлар ҳам энди ҳеч вақт ёдимиздан чиқилмайди, уларни абадийгга муҳралаган энциклопедиямиз туфайли.

Истиқлол – чин иқбол деганларидай, эмин-эркин ҳаёт маънавий оламимизда катта эврилишлар эшигини очиб юборди ва чала, сохта ҳақиқатларга ойдинлик киритиш мавридига ҳам етказди. Мустақилликкача «босмачи» тамғаси билан қораланган шахслар асида Ватан фидойилари эканини билиш билан миллий гуруҳимиз янада ўсади. Қомусда битилишча: «Омон Полвон (1856–1923) – Фарғона водийсидаги тўққиз йирик кўрбошиларнинг бири. Омон Полвон Қизилравотда (Ўғчи тумани) тутилган, мироб эди, 1918 йилгача ўз

кишлоғида ариқ оқсоқоли бўлган. Қизил ҳокимиятга қарши қуролли ҳаракат бошлангач, Омон Полвон қўлидаги 2,5-3 минг ийиги билан Мадаминбек ва Шермухаммадбек топпириқларини бажарган. Уйчилик Мақсуд кўрбоши билан яқин эди. Омон Полвон қўлга олиниб, 1923 йил 13 июнь кунни Наманганда отиб ташланган.»

Энциклопедияга хос бош хусусият элга таниқли кишиларнинг ҳеч бирини эслан чиқармасликка ҳаракат қилинган. Ўзим ҳам беихтиёр кидирган икки шахс ҳақида осонгина маълумот топа оладим. Чунончи, ёшлитимизда Наманган шаҳрида Муҳиддин Шохимардонов кўчасидаги бобомиз уйда яшагандик. Ушанда «Кўчамиз нега шундай номланган?» деган савол хаёлимдан ўтарди. Нихоят, 50 йилдан сўнг маъжур энциклопедиядан жавоб топдим: «Муҳиддин Шохимардонов (1895–1942) – қатанон кўрбони. Наманган аҳлини янги ҳаётга, маърифатга бошлаган етакчилардан бири... Наманган шаҳрида бир неча йил маориф бўлимига мудир бўлди, уездда ишлади ва Чортоқда «Кўлчи» уюшмасига раслик қилди. 1936 йили Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан иш бошлади. Тошкентда ҳибсга олинганда (1937 йил 25 август) вазирликда бошқарма бошлиғи эди. Дарҳақиқат, у Акмал Икромов билан Наманган маорифиде ишлаган чоғлари танишган ва ўша-ўша икков яқин муносабатда эдилар. Мана шу ақинлик туйфали ва энг муҳими Арабистонда тутилгани учун «халқ душмани», «ажнабий капиталистлар жосуси» бўлди-қолди.» Қаранг-а, буvasи отироек кизи билан бирга ҳажта борган ва иттифоқо ўша жойда тутилган набира шўрликдан қизил жаллодлар «жосус» ясаган экан.

Тўрақўрғон туманида халқ оғзиде «Есин» номи билан (асли Хўжада) аталувчи кишлоқ бор. Илгаридан биламиз, шу ерда «Қўқон – Наманган» те-



мир йўлининг Иессен станцияси мавжуд. Бу инсоннинг қимлиги-ю, нима учун номи ёзланганидан ҳали хануз беҳабар эдик. Фақат Исхокхон Тўра Ибрatнинг «Вагон келди» мусаддасида темир йўл қурилиши масъуларидан бири экани тилга олиб ўтилганди. Энди энциклопедияда мукаммал маълумот келтирилгани айни муддаодир. Энг муҳими, халқимиз бежиз бу инсоннинг номини унутмаётгани ойдинлашди: «Иессен Людвиг Людвигович – Наманган шаҳридаги илк жамоат кутубхонасининг асосчиси. 1901–1905 йилларда Наманган уезди бошлиғи бўлиб, капитан унвони билан иш бошлаган ва подполковник унвони билан истефогга чиққан. У 1903 йили Фарғона вилоят бошқармасига кутубхона очиш масаласида расмий хат билан мурожаат қилади...» Натижада бошқарма бошлиғидан рухсат келади. 1904 йилдан эътиборан кутубхонага шахар бюджетидан 500 рубль ажратилишига розилик билдирилди. Минг-минглаб китоб фондига эга кутубхона аҳолига пуалик хизмат кўрсата бошлайди. Ана энди орадан бир арсдан зиёд вақт ўтиб, Иессен халқ меҳрини қандай қозонганининг сиридан янги қомус орқали воқиф бўлдик.

Юқоридаги каби тарихий жиҳатдан қимматли ва тарбиявий томондан аҳамиятли катта-кичик қайдономалар энциклопедиянинг анча мукаммал тузилганини далолатлайди. Китоб устида кунт билан астойдил бош қотирилгани, тили содда ва тушунарли, ифодаси халқона битилгани мутолаамизга равонлик бағишлайди. Яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш ўринлики, «Ғазна Намангон» Рустамжон аканинг бир неча йиллик ижодий меҳнат-машаққати маҳсули вилоят ҳокими Ш. Абдураззоқовнинг беминнат қўмағи билан chop этилган мамадақатимиз вилоятлари орасидаги биринчи маҳаллий энциклопедиядир.

23.08.2023 | №66 (19998) | «НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ»

Ижтимоий

«МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ»

1997-2006 йилларда туғилган қақирилувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги «Қақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 291-сонли қарори, Мудофаа вазирининг 2019 йил 15 апрелдаги 347-сонли ва 2020 йил 11 майдаги 346-сонли буйруғи талабларига асосан, 2023 йилги қақирув мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, 1997-2006 йилларда туғилган фуқароларни муддатли ҳарбий ҳамда сафарбарлик қақирuvi резервидаги хизматга қақиришда уларни ҳар томонлама чўқур ўрганиш ва сифатли танлаб олиш мақсасида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 25-моддаларига мувофиқ (бундан буён матнда қақирилувчилар деб юритилади) ўртасида танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

Юқоридаги буйруқ талаблари ижросини таъминлаш ҳамда 2024 йилда ўтказиладиган қақирув мавсумида сифатли тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мақсасида Наманган шаҳрида яшовчи барча қақирилувчилар жалб қилинади.

Наманган шаҳар мудофаа ишлари бўлимига келиб қуйидаги танловларда иштирок этишларини сўраймиз:

Наманган шаҳар Мудофаа ишлари бўлимида 18-27 ёшгача бўлган қақирилувчилар шаҳар тиббий комиссиясига келиб соғлиқ даражалари текширувдан ўтказилади ва танловга таклиф этиладилар. Қарорга асосан, танлов 2023 йил 24 августдан 2024 йилнинг 18 февралига қадар қабул қилинади.

Фан номи	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси	Ўтказиш санаси
Жисмоний тайёргарлик	24.08.2023	14.09.2023 27.09.2023	12.10.2023 25.10.2023	09.11.2023 28.11.2023	14.12.2023 27.12.2023	11.01.2024 24.01.2024	07.02.2024
Якка тартибда суҳбат	25.08.2023	15.09.2023 28.09.2023	13.10.2023 26.10.2023	10.11.2023 29.11.2023	15.12.2023 28.12.2023	12.01.2024 25.01.2024	08.02.2024

Танлов қуйидагича амалга оширилади:

1. Қақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси. 15 балли шкала бўйича баҳоланиб, хар бир нормативга «аъло» баҳо учун - 5 балл, «якши» баҳо учун - 4 балл, «қониқарли» баҳо учун - 3 балл берилади, «қониқарсиз» баҳо учун балл берилмайди. Қақирилувчилар қуйидаги кетма-кетликда умумжисмоний нормативларни бажарадилар:

- турникда тортилиш;
- 100 метрга югуриш;
- 3000 метрга югуриш.

Изоҳ: жисмоний тайёргарлик синовларини қабул қилиш жойи Наманган шаҳар «Баркамол авлод» спорт майдони.

2. Якка тартибда суҳбат: Якка тартибда суҳбат жараёнида қақирилувчиларнинг маҳалла ва жамиятда тутган ўрни. Оилавий аҳволи, обрў-эътибори, юриш-туриши, қизиқишлари, Ўзбекистон тарихи, буюк саркардаларимиз ва аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир билимлари аниқланади.

Изоҳ: якка тартибдаги суҳбат қабул қилиш жойи Наманган шаҳар МИБ фуқароларни қабул қилиш хонаси.

ҚАҚИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАРНИ МУДОФАА ИШЛАРИ БУЛИМИГА ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ШАРТ:

- фуқаролик паспорти (нусхаси) - 2 донда;
- диплом нусхаси иловаси билан;
- қақирув ўчакчасига қайд этиш гувоҳномаси;
- 3,5х4,5 ҳажмдаги 8 донда (оқ) фондаги фотосурат.

Телефонлар: (69) 234-02-86, (69) 234-20-74.

Наманган шаҳар мудофаа ишлари бўлими маъмурияти.

Эълон

НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади

ЖИСМОНИЙ
ВА ЮРИДИК
ШАХСЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Кафедра мудири:

1. «Архитектура» (1).

2. «Хорижий тиллар» (1).

Профессор:

1. «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» (1).

Доцент:

1. «Ўзбек тили ва адабиёти» (рус тили) (1).

2. «Материаллар қаршилиги ва механика» (1).

3. «Машинасозлик технологияси» (1).

4. «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» (1).

5. «Хорижий тиллар» (1).

6. «Иқтисодиёт» (1).

7. « Менежмент» (1).

Катта ўқитувчи:

1. «Менежмент» (1).

2. «Технологик машина ва жиҳозлар» (1)

3. «Иқтисодиёт» (1).

Ўқитувчи:

1. «Технологик машина ва жиҳозлар» (1)

2. «Иқтисодиёт» (1).

3. «Транспорт логистика» (1).

4. « Менежмент» (1).

5. «Ахборот тизимлари ва технологиялари» (1).

Стажёр-ўқитувчи:

1. «Транспорт логистика» (1).

2. «Иқтисодиёт» (1).

3. «Хорижий тиллар» (1).

4. «Менежмент» (1).

5. «Ахборот тизимлари ва технологиялари» (1).

Аризаларни қабул муддати: эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Спорт паспортини олиш тартиби

Д. **ЗОКИРОВА**,
Давлатобод тумани Давлат хизматлари маркази шўьба мудири.

Президентимизнинг 2021 йил 24 июлдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, «Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти» тасдиқланди.

Ушбу давлат хизматидан фойдалиш учун ариза берувчи давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиши ёки электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали мурожаат йўллаши мумкин.

16 ёшга тўлмаган спортчилар учун уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакили томонидан мурожаат қилинади.

Маълумотнома-анкетага 16 ёшга тўлмаган шахснинг электрон шаклда 3х4 ўлчамли оқ фондаги фотосурати ҳамда қонуний вакилнинг шахсий идентификация рақами (ЖШИР) ва боланнинг қонуний вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, ариза берувчи томонидан тизимга юкланган фотосуратнинг сифати ва ҳаққонийлигига ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Маълумотнома-анкетага ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, унга илова қилинадиган ҳужжат расмийлаштирилганидан сўнг ариза берувчи уни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (электрон имзо, дактилоскопия, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилганда, ариза берувчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1/6 (олтидан бир) қисми миқдориде йиғим ундирилади.

Ариза ЯИДХП орқали тақдим этилганда, ариза берувчидан давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдориде йиғим тўланади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатта олинган, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга маъжур бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларида белгиланган йиғим миқдорининг 50 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали юборилган маълумотнома-анкетада кўрсатилган маълумотларни ваколатли орган Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан бир кунлик муддатда кўриб чиқилиши ва беш кунлик муддатда почта хизмати орқали тайёр бўлган спорт паспорти спорт ташкилотига етказиб берилиши белгиланди.

ВИЛОЯТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги «Электромагнит Мослашув Маркази» ДУК Наманган вилояти Электромагнит мослашув хизмати оғохлантиради.

Республикамиз ҳудудига рухсатномасиз ва сертифициасиз олиб қирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (радиотелефонлар, узоқ масофали радиоузел-гичлар, қўлда олиб юрилувчи радиостанциялар (рациялар) ва бошқа воситалар) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб кириш-ни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республикамиз ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича Наманган вилояти Электромагнит мослашув хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳри, Ибрat кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: (69) 227-80-90, (69) 227-90-81.

NAMANGAN DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

pedagog kadrlarni ishga qabul qilish uchun tanlov e'lon qiladi

Kafedralar nomi	Dotsent	Katta o'qituvchi	O'qituvchi	Stajyor o'qituvchi
Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim metodikasi	1	2	2	2
Pedagogika va psixologiya fanlarni o'qitish metodikasi kafedras	2	1	2	2
Ilmiiy-gumanitar fanlarni o'qitish metodikasi	1	1	2	1
Tilarni o'qitish metodikasi	1	4	1	4
Aniq va tabiiy fanlarni o'qitish metodikasi	1	1	1	1
Amaliy, jismoniy tarbiya va sport fanlarni o'qitish metodikasi kafedras	1	2	1	1
Jami:	7	11	9	11

Eslatma: arizalar 2023-yil 23-sentyabr oyiga qadar qabul qilinadi.

- Talab qilinadigan hujjatlar. Rektor nomiga ariza, so'rovnoma, tarjimai hol, kafedra yo'nalishi bo'yicha oily ma'lumot to'g'risidagi diplomlar (ilmiiy daraja diplomi, ilmiiy unvon attestati) malaka oshirish guvohnomalari nusxalari va ilmiiy ishlar ro'yxati (3,4-shakl).
- Tanlovga tushgan barcha hujjatlar oldin kafedra majlisida ko'rib chiqiladi. Ilgari kafedrada ishlamagan shaxslarning hujjatlarini ko'rib chiqishdan oldin ular tomonidan sinov darslari (Institut o'qituvchilari uchun ochiq mashg'ulot) o'tkaziladi. Sinov darslari va ochiq mashg'ulotlari mavzusi kafedra parametrlari bo'yicha o'quv dasturi talablariga muvofiq bo'lishi kerak.
- Tanlov qatnashchilarini test sinovidan o'tkazishga yo'l qo'yilmaydi. Ilgari o'zi egallab turgan lavozim uchun tanlovda qatnashuvchi shaxslar kafedra majlisida tanlovdan oldingi davrdagi ilmiiy-pedagogik, metodik, tarbiyaviy va boshqa ishlar to'g'risida hisobot berishlari belgilangan.

Hujjatlar quyidagi manzilda qabul qilinadi:
Namangan shahar, Uychi ko'chasi, 316-uy.
Namangan Davlat pedagogika instituti
devonxonasi.
Telefon: (69) 227-27-21.

Қўлимиздан келадиган барча уддабурунликлар чидам ва вақтнинг аралашмасидан бошқа нарса эмас.



«ИПАК ЙЎЛИ» АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ



Банкнинг рақамли каналларида «Ипак Йўли Мобайл», «Бизнес учун Ипак Йўли мобайл» иловалар ва Интернет банкинг хизмати киради.



2017 йилда банк республика банклари ичида биринчилардан бўлиб, мижозларга бир қатор масофавий хизматларни олишлари учун шароит яратиб мақсадида, банкнинг рақамли каналларини жорий этди, хусусан, уяли телефонлар ва Интернет-банклар учун банк дастурини ишга туширди.

Наманган филиалида юридик мижозлари сони 4100 дан, жисмоний шахс мижозлари 113 000 дан ортқини ташкил қилади.

Жисмоний шахсларга мақбул фозиларда кредитлар, жумладан:

- АВТОкредит (бирламчи ва иккиламчи бозордан);
- Гаров ва кафилик асосида микроқарзлар;
- Онлайн микроқарзлар.

Юридик шахсларга бизнесни ривожлантириш бўйича 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиб келинмоқда.

АИТБ «Ипак Йўли» Наманган филиали мижозлари чет элдан келган пул ўтказмаларини («Контакт», «Золота корона», «Монейграм», «Вестерн Юнион») қабул қилиб олишга. Бундан ташқари, банкнинг виза ва мастер карталари орқали ҳам бир зумда чет элдаги яқинларига пул маблағларини жўнатиб келишмоқда.

Наманган вилоятида 4 та экспресс марказ ва Наманган шаҳар А. Навоий кўчасида бош офис хизмат кўрсатиб келмоқда.



Банк Тошкент шаҳри ва вилоятларда жами 17 та филиалига эга. Ҳозирги вақтда вилоятларда 9 та филиал, шунингдек, Тошкент шаҳрида 8 та филиал, 30 та мини-банк ва 22 та махсускасса, 10 мингдан ортқ терминаторлар мавжуд ва 2019 йил давомида биз бутун Ўзбекистон бўйлаб 400

дан ортқ банккоматлар ўрнатилди ва уланди. Банк махсуслотлари ва хизматлари асарият минтақаларда тақдим этилган. Бундан ташқари, келгуси 3 йил давомида Банк стратегиясига мувофиқ, минтақаларда яна бир нечта филиаллар очилиши режалаштирилган.

Наманган филиалида 24/7 доирасида 31 та банккомат, 6 та инфокиоска халқимизга хизмат қилмоқда. Бу банккоматлардан куннинг хоҳланган вақтида пул ечиш, доллар сотиш ва сотиб олиш мумкин.

Виза ва мастер карталари дунёнинг исталган ерида хизмат қилади. Асосийси, бу карталарни олиш учун банкка келиш шарт эмас. Илова орқали карта буюртма қилиш мумкин. Бир кун муддатда картани етказиб бериш хизмати ҳам мавжуд.

Жисмоний ва юридик шахсларга тез ҳамда самарали шартлар асосида кредит ажратилади. Ҳамма ҳужжатлар тақдим қилинган, уч иш кунинда кредит ажратилади. 2022 йилда 1768 та мижозга 70 млрд.дан зиёд кредит ажратилди.



Barcha ma'lumotlar uchun 24/7 aloqa markazi
1296 @ipakSupport

Хизматлар лицензияланган.

Манзилимиз: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 5/1-уй.

Мурожаат учун телефон: (69) 228-85-55.

info@ipakyulibank.uz

Гувоҳнома Тожикистондан келди

Шоира АБДУЛЛАЕВА
Чортоқ тумани ФХДБ бўлими мудираси.

Чортоқ тумани ФХДБ бўлими фуқароларнинг мурожаатларини тезкорлик билан ҳал этилишида қўл ёзма шаклда тақдим этилган тузилганлик, никоҳ тузилганлиги ва бошқа турдаги гербли гувоҳномалар бутунга келиб электрон равишда тўлдирilib, барча турдаги далолатнома ёзувлари «ФХДБ Ягона электрон архиви» ахборот тизимига кириштириб борилаётгани айтиш мумкин.

Тожикистон Республикасида тузилган Саодат Раҳмонова тақдир тақозоси билан ёшчилигида ота-онаси билан бирга Чортоқ туманига қўчиб келган ва шу ерда мактабда ўқиган. Ота-онасининг эътиборсизлиги сабаб тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси йўқолиб қолганлиги боис анча йиллардан буён фуқаролик паспортини олиш имкони бўлмаётганини, ҳозирда унинг Тожикистонда ҳеч қандай қариндошлари яшамаслиги ва у ерда бориб келишга эса имкони ва шароити йўқлигини маълум қилиб, тузилганлик ҳақидаги гувоҳномасини олиб беришда амалий ёрдам сўраб Чортоқ тумани ФХДБ бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаат юзасидан белгиланган тартибда ариза расмийлаштирилиб, 1992 йил 23 январда МДХ давлатлари ўртасида Минск шаҳрида тузилган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга асосан мурожаати Адлия вазирлиги орқали Тожикистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган эди.

Ярим йилдан ортқ вақт ичида фуқаронинг муаммолари ҳал этилди. Унга Тожикистон Республикасининг тегишли ФХДБ органидан тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома такроран олиб берилди ва фуқарога тантанали равишда топширилди.

Фуқароларнинг мамнун этаяётган яна бир жиҳат экстерриториал тамойил асосида хизмат кўрсатилаётгани бўлди. Шунингдек, хизмат турларини рақамлаштириш орқали аҳолини ортқча югур-югурлардан холи этишга имкон яратилди.



Ҳаммамиз йилнинг совуқ ойларида идиқ-иссиқ кунларни интиқлик билан кутамиз. Лекин ёнинг чилласида ҳарорат 40-45 даражага кўтарилганда - жонимизни қўлгани салқин жой қидириб қоламиз. Совуқликдаги муздай ичимликлар, совуқ сувга солиб қўйилган қовун-тарвузлар танамизга роҳат бағишлайди. Қайфиятимизни кўтаради. Аммо биз қовунларнинг фойдали ва бошқа хусусиятлари ҳақида гапирмоқчи эмасмиз.

...Ишдан эртароқ қайтган Зиёдаҳон ишқом остидаги сўрига кўрпачаларни ёзиб, болишларни қўйди. Кечки овқатни димлаб, ҳовлига шлангдан сув сеппи. Ердан ажойиб ҳид анқиб, димоғи чоғ бўлди. Овқатдан сўнг ейилар, деган мақсадда қран тағидида шакарпалакни сўйиш учун пичоқ тортиган эдики, кўча эшикдан таниш овоз эшитилди. Қўниси Нозокат экан.

Келақолинг, ўргудай, қайнонангиз яхши кўрар эканлар. Қовун еймиз, совуқ сувда муздеккина бўлиб турган экан.

Кайнонам-ку яхши кўрарди-ю аммо эрим ўлмагўр яхши кўрмайдиди, - дея гап бошлади Нозокатхон хасратлаштишга мойиллик билдириб.

Иўт-э, нимага унақа дейсиз.

Қўнним яхши кўрмасалар - шунча йиллардан бери бирга яшаб, бола-чақа қилармидиглар.

Ха энди, умр ўтаверар экан-да. Бир кун мени тушуниб қолардирлар, деб... Бу гапларимга сабаб мана шу сўйган қовунингиз!

Иўт-э? Бу оддийгина қовуннинг сизларнинг ҳаётингизга нима даҳли бор?

Бор-да, ўргудай. Мен болалигимдан шакарпалакни яхши кўраман. Уни қарсиллатиб ейиш - жону дилим. Эримла бўлса оби новвотта ишқибозлар. Қовун пишиги келса иккаламиз шу масалада келишолмай эсимиз кетади. У киши хар кун иккита-учтадан обиновот кўтариб келаверадилар. Мен бўлса унақа қовунни ҳечам емайман. Ҳиди ўткирлигидан нафасимни бўғди. Мана, кеча кечқурун ҳам тўртта сап-сарик оби новвот опекдилар. «Ҳой, дадаси, шунинг биронтасини шакарпалакка алмашиб олмабсиз-да», - деб балога қолдим. Урмадила-ю ундан бериб қилдилар. Иўлимдан чиқиб қолса - узимам ахёнда бир шакарпалак опекламан. Лекин шу ёшимда халтада қовун кўтариб юришим ярашмайди-да...

Эрингизам шакарпалакни емайдиларми?

Билмайман, мента қасдама-қасдамаи сўйсам ҳам қайрилиб қарамайдилар...

Ош-овқатига райхон сўраш баҳона чиққан Назокат икки тилим қовунни маза қилиб тановул қилгач, уйига пошиб чиқиб кетди. Аммо унинг гаплари уч кунгача Зиёдаҳоннинг миёсига айланаверди.

Аслида эр-хотин бир неча йиллар умргузаронлик қилгач феъли ҳам бир-бириникига ўхшаб кетади. Бир-бирларининг фикрларини айтилмай туриб ўқиб олиши ёки кўп ҳолларда бир хил мулоҳаза юритиши, хусусиятлардаги, қарашлардаги ранг-баранглик ҳам кейинчалик уйғунашиб кетиши табиий ҳол. Бу - қўниллари, юраклари бир-бирига меҳр-муҳаббатли жуфтликларнинг қўндалик турмуш тарзи. Назокат билан унинг умр йўлдошида-чи? Бу икки инсоннинг «мен-ини биринчи ўринга қўйишининг замирида эса бир-бирининг феълига нисбатан ҳурматсизлик, ўз хоҳишини жуфтининг истагидан балолада кўриш турибди.

«Дўстинг учун заҳар ют!» деган ақида бор. Ишлаб, пул топиб, кўчадан тўртта қовунни кўтариб келган эрининг ҳурмати учун миннатдорлик туғуси билан икки тилим ёб қўйиш - наҳот бировни ўлдирибди?! Ёки эрининг ҳам ўз ўрнида: «Кел, хотинимнинг шакарпалакка меҳри бўлакча. Битта шунисидан ҳам қўшиб олай...» деганига аёли тақовқонлигидан дарак эмасми? Ойлада, ишхонада, кўча-қуйда, ҳамма жойда «муроси мадора» деган тарози бор. Вазиятга қараб баъзида биз балолада бўлсак, баъзида ёнимиздаги инсонга ён босишга тўғри келади. Бу билан бировнинг қадр қиммати, обрў-эътибори пасайиб қолмайди. Аксинча, иқлим мўътадиллашди, оқибат мустаҳкамланади. Хар қаламда бемаъни ўжарлик билан «Мен - ҳақман!» - дейилверса - ўртадаги ришталар чирт-чирт узилаверади...

Аросатда ўтган шунча йилга афсусланасиз, холос. Қап-қатга эр-хотиннинг ўзида бир-бирига ҳурмат, меҳр-муруват бўлмаса... Хуллас, обиновот билан шакарпалакда нима тўноҳ?

Рислихон МАЖНУНОВА.

Савол-жавоб

Мен давлат ташкилотидан ишлайман. Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламайди. Турмуш ўртоғим учун Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўласам иш стажига инобатта олинмайдими?

А. Бердимуродов,
Поп тумани.

Саволга Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Янги Наманган тумани бўлими бош мутахассиси Жаҳонгир МАЎМУДОВ жавоб беради.

Жисмоний шахс томонидан меҳнатта ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадларидан 2021 йил 1 июндан кейинги даврда ишламайдиган эри (хотини) учун ижтимоий асосда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия ҳисоблашда иш стажига ҳисобида инобатта олинади.

Жисмоний шахс мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил равишда тўлаш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахс томонидан тўланган тўлов ҳужжатида унинг ишламайдиган эри (хотини)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШПИР ва тўлов амалга ошириладиган давр албатта кўрсатилиши шарт.

ХАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ЧОРШАНБА, 23	ПАЙШАНБА, 24	ЖУМА, 25	ШАНБА, 26	ЯКШАНБА, 27	ДУШАНБА, 28	СЕШАНБА, 29
+36 +22	+35 +22	+35 +22	+34 +22	+29 +18	+26 +17	+30 +18

ВАЛЮТА

2022 йил 22 август ҳолатига	1 АҚШ доллари	12100.02	1 Япония иенаси	83.00
	1 ЕВРО	13190.23	1 Швейцария франки	13757.84
	1 Россия рубли	128.32	1 Қирғиз соми	137.04
	1 Англия фунт стерлинги	15416.64	1 Қозғистон тенгеси	26.77

Тафаккур

Модомики вақт энг қимматбаҳо мулк экан, унда вақтни талон-тарож қилиш энг оғир гуноҳдир.

Наманган ҳақиқати

Муассис:
Наманган вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир:
Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона: (69) 227-89-43.
Котибият: (69) 227-91-25.
Маданият бўлими: (69) 227-95-21.
Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.
Ахлок бўлими: (69) 227-91-50.
Умумийтасодий бўлими: (69) 227-96-60.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.
Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.
Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Таҳририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.
Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Рислихон Мажнунова.
Навбатчи: Гулчехра Бувамирзаева.
Мусахҳиш: Насимжон Юнусов.
Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Таҳририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қоғоздан ортқ (шунингдек қўл ёзма) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтариб берилади.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 1 829 нусхада чоп этилди.

Қоғоз бичими - А-2.
Ҳажми - 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй.
Буюртма: 529.
Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 19.30

Сотувдаги баҳоси: 3000 сўм

www.namhaqiqat.uz
@NamanganHaqiqati_Rasmiy
nam-haqiqat@gmail.uz

ISSN: 2091-5853

Р - белгиси билан тижорий мақолалар берилади.